

**“Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари
фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар
тўғрисида”ги Фармонга шарҳ**

**Комментарий к Постановлению «Об организационных мерах по
сокращению теневой экономики и повышению эффективности
деятельности налоговых органов»**

**Commentary to the Decree "On organizational measures to reduce the
shadow economy and increase the efficiency of tax authorities"**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 30 октябрда имзоланган “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизнинг келгуси истиқболини белгилаш ва уни ривожлантиришда яширин иқтисодиётни камайтириш ҳамда коррупция илдизини қирқишга қаратилган ҳамда шу асосида тадбиркорлик фаолиятини юритишида рақобат шароити шаффофлигини таъминлашда яна бир муҳим қадамлардан бўлди.

Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-тамойилларини автоматлаштириш ва тартибини соддалаштириш, пластик карталарда (банк карталари ва kontaktsiz тўловлардан фойдаланган ҳолда) тўловларни кенгайтириш орқали яширин иқтисодиётда улуси юқори бўлган: а) умумий овқатланиш, б) риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳамда в) қурилиш корхоналарига бир қатор енгилликлар берилиши кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг банк карталари ва kontaktsiz тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари субъектнинг

умумий даромадига киритилиши ҳамда йиллик якуний реализация суммаси 1 млрд. сўмдан ортган тақдирда умум белгиланган соликларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиши белгиланган эди.

Энди эса Фармонга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб банк карталари ва kontaktсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари ҳисоблаб чиқилади ва умумий реализация хажмидан айрилади. Натижада, якуний реализация суммаси 1 млрд. сўмдан ортмаса, унда умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари умум белгиланган соликларни тўлашга мажбурий тартибда ўтмайди.

Фармонда келтирилганидек, солик ва божхона тизимининг яширин иқтисодиёт билан курашиш бўйича фаолият самарадорлигини оширишга ҳамда улар фаолиятини шаффоғлигини таъминлашга қаратилган вазифалар ҳам белгилаб берилган. Бу эса ўз навбатида, солик ва божхона органлари фаолиятида сунстельмолчилик ҳолатларини олдини олишга, ушбу соҳалар вакилларига тадбиркорлар ва фуқароларимиз ишончини оширишга хизмат қиласди.

Ушбу Фармонда келтирилган энг муҳим вазифалардан яна бири яширин иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини қўриш ҳамда ноқонуний ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда сақлаш ҳолатларини аниқлаш орқали давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва даромадларни яширишнинг олдини олишга қаратилган комплекс-назорат тизимини жорий қилинишидир. Комплекс-назорат тизими жорий этилиши эса яширин иқтисодиётни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Фармонда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ҳамда идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, солик ва божхона маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича “Йўл харита”си тасдиқланиб, унда жорий йил якунига қадар ва 2021 йилда бир қатор чора-

тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, иқтисодиётда яширин айланма даражасини қисқартириш ва қонуний тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бүйича алоҳида тадбиркорлик субъектлари учун инклузив хуқуқлар, якка тартибдаги имтиёзлар ва преференцияларни бекор қилиш борасидаги ишлар амалга оширилиши назарда тутилган. “Йўл харита”сига кўра тегишли хукумат қарорлари ишлаб чиқилиши режалаштирилган ва бунда мамлакатдаги алоҳида ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат муҳити яхшиланиши, институционал тенгликни таъминланиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Жаҳон банки мутахасислари иштирокида яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш методикаси ишлаб чиқилиши ҳамда унинг натижаларини эълон қилиб борилиши, давлат ташқи қарзидан молиялаштирилган якунланган лойиҳалар самарадорлигини аудитдан ўtkазиш стандартларини ўрнатилиши каби чора-тадбирлар истиқболда яширин иқтисодиёт борасидаги маълумотларни очиқлигини таъминлаш, уни тўғри ва аниқ мезонлар асосида баҳолаш, стратегик инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда давлат ташқи қарз маблағларини самарадорлигини ошириш, улардан яширин иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида фойдаланишни олдини олиш белгиланган.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш борасида давлат бюджети маблағларини самарадорлигини ошириш мақсадида марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобига амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини мажбурий тарзда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш назарда тутилган бўлиб, бунинг натижасида давлат бюджети маблағлари манзилли харакатланиши ва самарали сарфланиши таъминланади. Юқоридаги масалаларни ҳал этиш, мамлакатда инвестицион лойиҳаларни танлаб олиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар билан ишлайдиган давлат инвестицияларини бошқаришнинг баҳолаш тизими (PIMA)ни жорий этилишини тезлатишни тақоза қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда яширин иқтисодиёт ҳажми 245 триллион сўмга баҳоланди. Бу эса мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан яширин иқтисодиёт улуши тахминан 48 фоизига тўғри келишини англатади¹. Қўмита маълумотларига кўра яширин иқтисодиётга сабаб бўлаётган омиллардан бири - бу харид чекини талаб қилмаслик бўлиб, шу ҳолат яширин иқтисодиётнинг илдиз отишига, тадбиркорлик субъектлари орасида носоғлом рақобат муҳити шаклланишига олиб келмоқда. Агар ҳар бир истеъмолчи томонидан чек талаб қилинса, яширин иқтисодиёт улуши қисқариши баробарида, соликлардан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам камайиб, бюджет тушумлари ошиб боради. Бу борада Фармонда Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг онлайн касса машиналарининг чекларида акс эттирилган QR-код ёки фискал белги асосида совринли ўйинларни ўtkазиш бўйича республиканинг бошқа худудларида ҳам амалга ошириш юзасидан берилган таклифларга розилик берилганлиги истеъмолчиларни бу тадбирларга кенгроқ жалб этилишига имконият яратади.

Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотларига кўра Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг кўлами ЯИМга нисбатан 40-50 фоиз орасида ўзгариб туради².

БМТ Тараққиёт дастури маслаҳатчилари монетар услублар асосида Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажмини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари, шунингдек, республиканинг барча худудларида ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра яширин иқтисодиётнинг асосий иқтисодий сабаблари - соликлар, йигимлар турларининг кўплиги ва уларнинг миқдори ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳамиятлилик даражасига кўра, корхоналарда етарли маблағ йўқлиги, банклар билан ҳисоб-китоблар, тўловлар, нақд пул маблағларини олиш билан боғлиқ муаммолар, хизмат

¹ <http://www.soliq.uz>

² <http://mineconomy.uz/ru/news/view/2854>

кўрсатиш сифати, юқори кредит ставкалари каби бир қатор сабаблар ҳам аниқланди.

Иқтисодий характерга эга бўлмаган асосий сабаблар сифатида тадбиркорларда зарур билим ва тажрибанинг йўқлиги, бошқа тадбиркорларнинг рақобати, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг сифати, бизнесни ташкил этиш ва олиб боришида бюрократик тўсиқлар, коррупция ҳамда мулк ҳукуқларининг ҳимояланмаганлиги ҳамда бошқаларни келтириш мумкин.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда яширин иқтисодиётнинг ўртача даражаси ЯИМ 17,2 %ни ташкил қиласи, аммо бу кўрсаткич турли мамлакатларда фарқ қиласи. Масалан, энг паст кўрсаткич Швейцарияда 8,6 %ни, Хитойда - 12,9 %ни, Россияда - 43,6 %ни, энг юқори кўрсаткич Боливияда - 66,4 %ни ташкил этади.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг таҳлил натижаларига кўра эса Ўзбекистоннинг яширин иқтисодиёти ҳажми 12% дан 52% гача бўлганлиги аниқланган³. Бу борада олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида, Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиёт ҳажми (транзакция усули бўйича хисобланганда) 4,7 % дан (мехнат ресурслари фарқига асосланган усулда хисобланганда) 41,6 % гача оралиқда бўлиши аниқланган.

Фармон билан ташкил этилган яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича маҳсус комиссия ва ташкил этиладиган ҳудудий комиссиялар юқоридаги келтирилган асосий иқтисодий сабабларни барадаф этишда бир қатор асосий вазифаларни ижросини таъминлайди. Улар жумласига, бизнесни “соядан” чиқаришни рағбатлантириш борасида шарт-шароитлар яратиш, солиқ режимини соддалаштириш, нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш, норматив-ҳуқуқий хужжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш, солиқ ва божхона маъмуарчилиги

³ Д.Кабулова, О.Гайбуллаев. Теневая экономика в Узбекистане: причины, масштабы и пути сокращения (Данная аналитическая записка подготовлена в рамках проекта Программы развития ООН «Поддержка стратегических исследований по устойчивому развитию» на основе обобщения результатов исследования, проведенного группой национальных экспертов.)

воситалари ҳисоб ҳамда тушумларнинг тўлиқлигини таъминлашга қаратилган чораларни белгилаш белгилаб берилган.

Шунингдек, “пулни ювиш”га қарши қурашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини мувоқлаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бу борадаги ишларга кенг жамоатчиликни жалб этиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш ҳамда жамиятда яширин иқтисодиётга ва коррупцияга қарши муросасизлик хиссини шакллантириш, легал бизнес нуфузини ошириш каби вазифалар ҳам киритилган.

Яширин иқтисодиётга қарши қурашиш бўйича ташкил этилган Махсус комиссияга масъул вазирликлар ва идораларнинг бу борадаги фаолиятини сифатли ташкил этилишини таъминлаган ҳолда ҳамда бизнес хамжамияти, хорижий ва маҳаллий эксперtlарни жалб этган ҳолда 2021-2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси юқлатилди. Яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чоратадбирларининг бажарилишини, 2021-2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегияси ҳамда қабул қилинган “Йўл хариталари”ни амалга оширилиши ҳамда давлат бошқарув идораларида, шунингдек устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши қурашиш бўйича самарали ички назорат тизимларини жорий қилинишини таъминлаш чораларни амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этиш юзасидан қўшимча вазифалар Ҳисоб палатасига юқлатилди.

Худудларда коррупцияни баҳолаш методологиясини ишлаб чиқилиши ва уни очиқлик тамойили асосида эълон қилиб борилиши коррупция юқори даражада ривожланган худудларни аниқлаш имконини бериб, коррупцияни камайтиришга, ундан мустақил тийилиш даражасини оширади, энг муҳими бу борадаги маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятига баҳо берилади.

Фармонда “КАРГО” хизматлари орқали хориждан товарлар ва хизматлар олиб кирилишини шаффофлигини таъминлаш, унда фақатгина банк тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш эса истеъмолчининг

хуқуқларини, маҳсулотларининг манзилларига ўз вақтида етиб боришини таъминлайди.

Маълумки, яширин иқтисодиётнинг асосида турувчи яна бир муаммо нолегал ишчи кучидан фойдаланиш билан боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистонда қурилиш соҳасида солиқ тўлаш бўйича хавф даражасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш, айниқса, марказлашган маблағлар ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш ишларида қурилишга жалб қилинган ишчилар сонини ҳаққонийлигини мониторинг қилиш каби чоралар кўзда тутилган.

Жумладан, қурилиш ташкилотлари белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг тўланишини таъминлаши, ҳар ойда давлат солиқ органларига шартномасиз қабул қилинган ходимларнинг реестрини, уларга тўланган нақд пул миқдорини кўрсатиб бориши шарт. Шу билан бирга, давлат солиқ хизмати органлари қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган реестрлар асосида солиқ тўловчиларни автоматик равишда идентификациялайдилар ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисобга олишни таъминлайдилар. Агарда шартнома тузмасдан ишга ёлланган шахсларга ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар рўй берган тақдирида ходимларни ижтимоий химоя қилишни таъминлайдиган қонун хужжатлари нормалари татбиқ этилади.

Бу эса қурилиш соҳасидаги барча ишчи ходимларинг ижтимоий манфаатлари химоясини таъминланишига олиб келади. Яъни, нақд пул орқали ҳақ тўлаш билан биргаликда уларнинг касал бўлган вақтида нафақа олишини, меҳнат стажи инобатга олиниб, қониқарли даражадаги пенсия билан таъминланишини англатади. Қисқа қилиб айтганда, ишчиларнинг ҳозирги ва келажақдаги ижтимоий фаровонликлари таъминланади.

Мазкур йўналишдаги халқаро тажриба ҳам шуни кўрсатадики, ноқонунний ишчи ёллашни, уларни ижтимоий хуқуқлари бузилишини олдини олишда ҳам ривожланган мамлакатларда ушбу Фармонда келтирилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, Евро Иттифоқ давлатларида,

хусусан Германияда бу муаммони ҳал қилиш мақсадида меҳнат бозори устидан назоратни босқичма-босқич кучайтириш каби маъмурий чоралар, минимал ойлик маошларни ошириб бориш каби иқтисодий механизмлар билан биргаликда қўлланилмоқда. Мамлакатда аноним тарзда ишга таклиф қилишга йўл қўйилмайди.

Ишга таклифга оид эълонлар иш берувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ўзида қамраб олган бўлиши шарт. Германияда энг коррупциоген соҳалардан бири қурилиш ҳисоблангани учун ушбу тармоқни тартибга солувчи қонунларга ҳам айрим ўзгартиришлар киритилди. У ерда йирик тендерларни фақат битта корхона ютиб олишига йўл қўйилмайди. Бундай тендерда ютиб чиққан корхоналарнинг бирортасида нолегал ишчи жалб қилиниш ёки ижтимоий тўловлардан қочиш ҳолатлари аниқланса, бунинг учун коллегиал жавобгарлик белгиланган — қурилишда иштирок этаётган барча тадбиркорлик субъектлари биргаликда жавобгарликка тортилади⁴.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур фармоннинг амалиётга жорий этилиши солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-тамойилларини автоматлаштириш ва тартибини соддалаштириш, пластик карталарда тўловларни кенгайтириш орқали яширин иқтисодиётда улуши юқори бўлган умумий овқатланиш, риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳамда қурилиш корхоналарига бир қатор енгилликлар берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётида коррупцияни камайишига, яширин иқтисодиётни қисқаришига, иқтисодиётни рақамлаштиришига, яширин фаолиятларнинг чек қўйилишига, инвестицион ва рақобат муҳитни янада соғломлашига, хорижий инвестициялар кўламини кенгайишига, ҳажмини ошишига, давлат бюджетига солиқ тушумларини ошишига олиб келади ҳамда ЯИМ барқарор ўсишини таъминлайди. Пировард натижада, мамлакатда аҳолисининг даромад манбанини кенгайишига ва камбағалликни қисқартиришига имкониятлар яратилади.

⁴<https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi-qanday?>

Стратегик режалаштириш ҳамда макроиқтисодий параметрлар прогнозларини ишлаб чиқиши масалалари бўйича лойиҳа томонидан тайёрланган (муаллиф Н.Садриддинов - лойиҳа раҳбари в.б)